



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ: ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ИНСТИТУТИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК

Ғаниев Элёр Ғаниевич

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ҳуқуқни
қўллаш амалиётини ўрганиш ва методик таъминлаш
шўбаси бош маслаҳатчиси шунингдек Ўзбекистон
Республикаси ИИБ Академияси илмий тадқиқотчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.21155369>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-iyun 2026 yil
Ma'qullandi: 28-iyun 2026 yil
Nashr qilindi: 30-iyun 2026 yil

KEYWORDS

профилактика инспектори,
маъмурий жавобгарлик,
ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси, маъмурий-
юрисдикцион ваколатлар,
МЖТКнинг 248-моддаси,
ҳуқуқий механизм.

ABSTRACT

Мазкур мақолада профилактика инспекторлари (катта инспекторлари)нинг маъмурий жавобгарликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини ташкил этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари комплекс таҳлил қилинган. Тадқиқотнинг мақсади Маъмурий қонунчилик билан белгиланган маъмурий-юрисдикцион ваколатларнинг ҳуқуқий табиатини очиб бериш, уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ҳозирги ҳолати ҳамда такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқотда қиёсий-ҳуқуқий, тизимли ва мантиқий таҳлил усулларидан фойдаланилди. Натижада профилактика инспекторларининг ваколатларини амалга оширишда ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим муаммолар аниқланиб, профилактика ва маъмурий-юрисдикцион вазифаларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш, ваколатларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш ҳамда профилактика инспекторлари фаолиятини ташкил этиш тушунчасига муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш бўйича илмий таклифлар асослантирилди. Тадқиқот натижалари профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва маъмурий жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва қонун устуворлигини таъминлаш ҳар қандай демократик давлатнинг конституциявий мақсадларидан бири ҳисобланади. Бундай давлат моделининг барқарор фаолият юритиши фақат ҳуқуқбузарлик содир этилганидан кейин ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш билан эмас, балки уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаш ҳамда бартараф

этишга қаратилган самарали профилактика тизими мавжудлиги билан ҳам белгиланади. Шу нуқтаи назардан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси давлат бошқарувининг алоҳида ҳуқуқий институти сифатида шаклланган бўлиб, унинг амалий ифодаси профилактика инспекторлари фаолияти орқали намоён бўлади.

Янги таҳрирдаги Конституцияси инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни давлат фаолиятининг устувор йўналиши сифатида белгилайди. Мазкур конституциявий ғоя «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунда янада ривожлантирилиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш давлат органлари, жамоат институтлари ва фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга оширилиши лозимлиги мустаҳкамланган. Мазкур қонун профилактика инспекторларини ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги асосий махсус субъектлардан бири сифатида белгилайди. Бу эса профилактика инспекторлари фаолиятини ташкил этиш масаласини нафақат ташкилий, балки назарий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳам тадқиқ этиш зарурлигини кўрсатади [1].

Ҳуқуқ назариясида «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» тушунчаси турли илмий мактабларда турлича талқин қилинган. Миллий ҳуқуқшунос олимлар мазкур институтнинг мазмунини асосан ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш билан боғласалар, хорижий тадқиқотчилар профилактикани хавф омилларини бошқариш ва ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимолини камайтиришга қаратилган комплекс ижтимоий механизм сифатида баҳолайдилар.

А.С.Турсунов профилактика инспекторлари фаолиятини таҳлил қилар экан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ва ҳуқуқий таъсир чораларини ўз вақтида қўллашга қаратилган ҳуқуқий ҳамда ташкилий чора-тадбирлар тизими сифатида таърифлайди [2]. Мазкур таърифнинг муҳим жиҳати шундаки, унда профилактика жазонинг муқобили сифатида эмас, балки маъмурий юрисдикциянинг таркибий қисми сифатида талқин қилинади. Демак, профилактика инспектори ҳуқуқбузарликни фақат қайд этувчи мансабдор шахс эмас, балки унинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилувчи давлат вакили ҳисобланади.

Б.А.Матлюбов профилактика институтига бошқарув нуқтаи назаридан ёндашиб, уни ички ишлар органлари фаолиятининг мустақил функционал йўналиши сифатида баҳолайди. Олимнинг фикрича, профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлиги уларнинг ҳуқуқий ваколатлари ҳажмига эмас, балки ушбу ваколатларни амалга оширишнинг ташкилий механизми, моддий-техника таъминоти, идоралараро ҳамкорлик ва таҳлилий фаолияти даражасига боғлиқдир [3]. Ушбу ёндашув профилактика фаолиятининг самарадорлигини фақат норматив базанинг мавжудлиги билан эмас, балки унинг амалий ижроси билан баҳолаш лозимлигини кўрсатади.

М.З.Зиёдуллаев эса профилактика инспекторлари фаолиятини маҳалла институти билан чамбарчас боғлайди. Олимнинг таъкидлашича, профилактика инспекторининг асосий вазифаси маъмурий таъсир чораларини қўллаш эмас, балки маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш учун ижтимоий ҳамкорлик муҳитини шакллантиришдан иборат [4]. Ушбу фикр профилактика инспекторининг ҳуқуқий мақоми ижтимоий шериклик институти билан узвий боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Келтирилган миллий илмий ёндашувларни қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, олимлар профилактика инспекторлари фаолиятининг турли қирраларига эътибор қаратадилар. Жумладан, А.С.Турсунов ҳуқуқий механизмларга, Б.А.Матлюбов бошқарув ва ташкилий омилларга, М.З.Зиёдуллаев эса маҳалла билан ҳамкорлик механизмига устувор аҳамият беради. Бироқ мазкур ёндашувларнинг умумий хусусияти шундаки, уларнинг барчасида профилактика инспектори фаолияти ҳуқуқбузарлик содир этилганидан кейин эмас, балки унинг олдини олиш босқичида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бироқ, муаллиф фикрича, миллий адабиётларда профилактика инспекторлари фаолиятини ташкил этиш масаласи асосан ташкилий ёки ҳуқуқий нуқтаи назардан тадқиқ қилинган бўлиб, мазкур фаолиятнинг маъмурий юрисдикция билан ўзаро боғлиқлиги, хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддаси 4-қисмида назарда тутилган ваколатларни амалга ошириш механизми алоҳида комплекс тадқиқ этилмаган. Бу эса мазкур диссертация мавзусининг илмий янгилиги ва долзарблигини белгилайди.

Хорижий ҳуқуқшуносликда ҳам профилактика институти кенг тадқиқ қилинган. Масалан, Ronald V. Clarke ҳуқуқбузарликлар профилактикасини «вазиятли профилактика» (situational crime prevention) концепцияси асосида изоҳлаб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жазони кучайтиришдан кўра, ҳуқуқбузарлик содир этиш имкониятини чеклаш муҳимроқ эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарадорлиги ҳуқуқбузарлик содир бўлганидан кейинги реакция билан эмас, балки унинг олдини олиш даражаси билан баҳоланиши лозим [5].

Шунингдек, Lawrence W. Sherman томонидан ишлаб чиқилган «evidence-based policing» концепцияси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти статистик таҳлил, илмий тадқиқот ва амалий натижалар асосида ташкил этилиши кераклигини асослайди [6]. Ушбу ёндашув профилактика инспекторлари фаолиятини баҳолашда фақат тузилган баённомалар сонига эмас, балки ҳуқуқбузарликларнинг камайиш динамикасига ҳам эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади.

Муаллифнинг хулосаси

Юқорида келтирилган миллий ва хорижий илмий қарашларни қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, профилактика инспекторлари фаолиятини ташкил этиш масаласига нисбатан ягона универсал ёндашув мавжуд эмас. Миллий олимлар асосан ҳуқуқий ва ташкилий механизмларга эътибор қаратган бўлсалар, хорижий тадқиқотчилар профилактика самарадорлигини хавф омилларини бошқариш, илмий асосланган қарор қабул қилиш ва натижавийлик мезонлари билан боғлайдилар. Муаллифнинг фикрича, мазкур ёндашувларни интеграция қилиш орқали профилактика инспекторлари фаолиятини ташкил этишга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Профилактика инспекторлари фаолиятини ташкил этиш — бу ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон яратаётган шарт-шароитларни барвақт аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш, маъмурий қонунчилик, хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган маъмурий-юрисдикцион ваколатларни қонунийлик, адолат, мақсадга мувофиқлик ва самарадорлик принциплари асосида амалга ошириш, шунингдек, маҳалла фуқаролар

йиғинлари, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда аҳоли ўртасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, маъмурий жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ва жамоат тартиби ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, функционал ва процессуал механизмларнинг яхлит тизимидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

- [1] Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни.
- [2] Турсунов А.С., Фазилов И.Ю., Хужакулов С.Б. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2018.
- [3] Матлюбов Б.А., Мухамедов Ў.Х., Турсунов А.С. ва бошқ. Ички ишлар органларининг профилактик фаолиятини бошқариш. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2018.
- [4] Зиёдуллаев М.З., Мухторов Ж.С., Эгамбердиев Б.И. ва бошқ. Ички ишлар органлари фаолияти. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2018.
- [5] Ronald V. Clarke. Situational Crime Prevention: Successful Case Studies. Harrow and Heston, 1997.
- [6] Lawrence W. Sherman. Preventing Crime: What Works, What Doesn't, What's Promising. National Institute of Justice, 1997.

INNOVATIVE
ACADEMY